

**МУРОЖААТЛА ХАМ МЕЪЁР БОР...**

**Жамоатчилик қабулхонаси:**  
мурожаат, муаммо, ечим **3**

**«ДОРИ-ДАРМОН»**  
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ...

**4**

**ОФТОБ**  
**ЧИҚҚАН**  
**КУН**

**6**

# ХАЛҚИМИЗ ТОМОНИДАН ВА ХАЛҚИМИЗ УЧУН ЯРАТИЛГАН ОЛИЙ ҚОМУС

Асосий қомусимизда белгиланган инсонпарварлик принципларининг амалга ошишида давлатнинг самарали фаолияти бекиёс аҳамиятга эгадир. Зеро, бугунги замонавий демократик жамиятларда давлат институтлари фаолиятининг самарадорлиги конституциявий нормаларни ҳаётга татбиқ этиш ва ундаги принципларни рўёбга чиқариш даражасига қараб баҳоланади.

**3**



№ 44  
2020-yil, 8-dekabr  
Seshanba (32.639)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

*Улуғлардан улуғимсан, Ватаним!*

# O'zbekiston OVOZI

## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

### Муҳтарам ватандошлар!

Сизларни улуғ айём — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 28 йиллик байрами билан чин қалбимдан самимий муборакбод этиб, барчангизга ўзимнинг юксак ҳурмат-эҳтироимим ва эзу тилақларимни билдираман.

### Қадрли дўстлар!

Дунё миқёсида авж олган коронавир пандемияси туфайли бу йил Конституция кунига бағишланган тантанали маросимларни кенг миқёсда ўтказишнинг, афсуски, имкони бўлмапти. Лекин, шунга қарамасдан, бу байрамнинг руҳи ва шукҳи қалбларимизда, юракларимизда давом этмоқда. Бу айём юртимизнинг меҳнат жамоалари, таълим масканлари, маҳаллаларда шоду хуррамлик билан нишонланмоқда.

Конституциямизнинг қоида ва тамойилларидан келиб чиқиб, биз бундан тўрт йил олдин Ҳаракатлар стратегиясини қабул қилдик ҳамда кенг қўламли ва шиддатли демократик ислохотларни бошладик. Уларнинг ҳуқуқий асосини Конституциямизга 7 марта киритилган ўзгаришлар, қабул қилинган 5 та кодекс ва 250 га яқин қонунлар ташкил этмоқда.

Ўтган қисқа даврда жамиятимизнинг сиёсий-ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий қиёфаси, одамларимизнинг дунёқараши бутунлай ўзгаргани, ҳар бир юрдошимиз мамлакатимизнинг тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётгани Бош қомусимизнинг ҳаётбахш қудрати ва улкан салоҳиятидан далолат беради.

Ана шу улкан салоҳиятга таяниб, халқимиз бугунги кунда мураккаб синов-

ларни мардона енгиб, юртимизда эркин, обод ва фаровон ҳаёт — янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида фидокорона меҳнат қилмоқда.

“Янги Ўзбекистон” деган ибора халқро майдонда нафақат янги тушунча, балки реал ижтимоий ҳодиса сифатида қабул қилинмоқда.

Конституциямиз яратиб берган улкан ҳуқуқий имкониятларнинг самараси бўлган бундай ютуқ ва натижалар барчамизга албатта юксак гурур ва ифтихор бағишлайди.

### Ҳурматли юрдошлар!

“Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир” деган конституциявий норма асосида мамлакатимизда халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қиладиган, Конституция ва қонун устун бўлган самарали ва барқарор тизим шаклланимоқда.

Ана шундай конституциявий пойдеворга асосланган ушбу тизим дунё шиддат билан ўзгариб бораётган ҳозирги мураккаб вазиятда турли таҳдид ва синовлар, жумладан, глобал пандемияга қарши курашда, Бухоро ва Сирдарё вилоятларида юз берган табиий ва техноген офатларнинг оқибатларини бартараф этишда ўзини тўла оқлади.

Конституциямиз моҳиятига чуқур сингдирилган демократия ва ижтимоий адолатга садоқат ҳамда инсонпарварлик тамойилларини таъминлаш бўйича мамлакатимизда тизимли ва ортга қайтмайдиган демократик ислохотлар амалга оширилмоқда.

Аввало, Асосий қонунимизда кафолатланган малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ва кучли ижтимоий ҳимоя-

ни таъминлаш бўйича ҳар бир инсоннинг ҳуқуқларини қўллаб-қувватлаш ва амалга оширишда барча имкониятлар ишга солинмоқда.

Пандемия даврида аҳоли соғлиғини сақлаш, ишсиз қолган фуқароларга ёрдам беришга, тадбиркорларга биринчи даражали эътибор қаратилмоқда. Жумладан, 10 триллион сўм фондга эга бўлган Инкирозга қарши курашиш жамғармаси ташкил этилиб, унинг маблағлари соғлиқни сақлаш, ижтимоий инфратузилмалар, аҳоли ва корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлашга йўналтирилди.

Йил давомида 500 мингдан ортиқ тадбиркор ва 8 миллиондан зиёд фуқаро учун 34 триллион сўмга яқин имтиёзлар берилди, ижтимоий нафақалар, моддий ёрдам ва бандликни оширишга 2,6 триллион сўм қўшимча маблағ ажратилди.

Ўтқир ижтимоий муаммо бўлиб келаётган аҳолини арзон уй-жойлар билан таъминлаш бўйича давлат дастури доирасида фақат жорий йилнинг ўзида 13 мингдан зиёд юрдошларимизга янги уйларнинг қилини топширилди.

Шу билан бирга, Сардоба туманида офатдан зарар кўрган хонадонлар учун қўл қаватли янги уйлар, ижтимоий инфратузилма объектларини ўз ичига олган гўзал ва замонавий шаҳарча бунёд этилди.

Оғир турмуш шароитида яшаётган мингдан ортиқ хотин-қизларга уй-жой бўйича бошланғич бадаллар тўлаб берилгани ҳам ана шундай эзгу ишларимиз қаторига кирди.

Давоми 2-бетда. ▶



## ИНСОНПАРВАР- ЛИКНИНГ ЮКСАК НАМУНАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 28 йиллиги муносабати билан давлатимиз томонидан олиб борилаётган гуманистик сиёсатнинг амалий тасдиғи сифатида “Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида”ги Фармонни имзолади.

Фармон мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 23-бандига асосан содир этган жинояти учун жазони ижро этиш муассасаларида жазо ўтаётган ҳамда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган 104 нафар фуқаро афв этилди.

Афв этилган шахсларнинг 6 нафари асосий жазодан тўлиқ озод этилди, 50 нафари жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинди, 17 нафарининг озодликдан маҳрум этиш жазоси енгилроқ жазо билан алмаштирилди. Шунингдек, 41 нафар шахсга тайинланган озодликдан маҳрум этиш жазосининг муддатлари қисқартрилди.

Афв этилганларнинг 13 нафарини чет эл фуқаролари, 9 нафарини 60 ёшдан ошган шахслар, 1 нафарини аёл ҳамда 21 нафарини таққалланган ташкилотлар фаолиятида қатнашган шахслар ташкил этади.

Фармон ижроси юзасидан афв этилган шахсларни оиласи ва яқинлари бағрига қайтариш, ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шугулланишлари, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топишлари учун уларга кўмак бериш бўйича масъул вазирлик ва идораларга тегишли топшириқлар берилди.

*Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.*

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 44-модда.



## ЧИРОҚЧИНИНГ ЯНГИ БОҒЛАРИ



*Дастур бўйича сўнгги — уч миллионинчи бодом ниҳоли ҳам туманнинг Кўкдала даштига экилади*

Чироқчи туманининг уч адоғини бирдан илғаш қийин бўлган Кўкдала дашти бугун қайта ўйғонган. Кимдир баланд симёғочларга махсус мослама билан чиқиб, сим тортяпти, кимдир сув пуркагич, шлангларни узатяпти, кимдир чуқур қовлаб, ток кўчатларини ўтқазяпти. Асосий қонунимиз қабул қилинган кунга бир-икки кун қолганда, мен ҳам ана шу меҳнаткаш одамлар орасида эдим. Боғ яратиш учун бошланиб кетган бу қиёси йўқ ишларга ҳайрат билан қарар эдим...

Давоми 5-бетда. ▶

Ўзбекистон фуқаролари ҳамиша ўз давлати ва Конституцияси ҳимоясида бўлади.

# ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Фаол гендер сиёсати доирасида хотин-қизларимизнинг ижтимоий-сиёсий мавқеини мустаҳкамлаш бўйича жадал ишлар давом эттирилмоқда.

Буларнинг барчаси пандемия ва унинг оқибатида юзага келган иқтисодий ва ижтимоий инқирознинг салбий таъсирини юмшатиш имконини бермоқда ва халқимизнинг эртанги кунга бўлган ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

#### Қадрли юртодошлар!

Конституциямизда ўз ифодасини топган адолат принципини амалда таъминлаш бўйича ҳам катта ишлар олиб боришмоқда. Жумладан, камбағалликни қисқартириш мақсадида ижтимоий ёрдамнинг янги ва самарали механизмлари жорий этилмоқда.

Уйма-уй юриб аҳоли муаммоларини ўрганиш натижасида 2,5 миллиондан зиёд аъзоси бўлган 590 мингдан ортиқ oilани қўллаб-қувватлаш учун 840 миллиард сўм маблағ ажратилди. Хусусан, ҳар бир хонадондаги аёллар ва ёшларнинг эҳтиёжи, ҳаётини муаммолари аниқланиб, 300 мингга яқин oilанинг меҳнатга лаёқатли аъзолари иш билан таъминланди.

Энг муҳими, одамларда эркин меҳнат қилиш, ишбилармонлик ва тадбиркорлик ҳисобидан камбағалликдан чиқиш тажрибаси ва кўникмаси шаклланимоқда.

Юрт бошига иш тушган оғир кунларда бизнес ҳамжамияти, тадбиркор ва фермерларимиз, меҳр-оқибатли фуқароларимиз иштирокида ташкил этилган "Саховат ва кўмак" умумхалқ ҳаракати инсонпарварлигининг яна бир юксак намунаси бўлди. Умумхалқ ҳаракати доирасида аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтож тоифаларига 204 миллиард сўмлик ёрдам кўрсатилди.

"Янги Ўзбекистон – мактаб остонасидан бошланади", деган ғоя асосида умуммиллий таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилишга мисли кўрилмаган эътибор қaratилмоқда. Илм-фан, маданият ва санъат, адабиёт, спорт соҳаларини ривожлантириш, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, ёшларнинг, айниқса, қизларимизнинг истеъдод ва қобилиятини рўёбга

чиқариш борасида ҳам кўп ишлар қилинмоқда.

Буларнинг барчаси юртимизда **Учинчи Ренессанс** – миллий тараққиётимизнинг янги даври пойдеворини яратишга хизмат қилади.

Яна бир муҳим конституциявий тамойил – инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш бўйича барча соҳаларда, айниқса, суд-ҳуқуқ тизимида чўқур ислохотлар амалга оширилмоқда. Бунинг тасдиғини кейинги тўрт йилда 2 минг 600 нафар фуқарога нисбатан оқлов ҳукми чиқарилиб, 2 минг 400 нафар шахс суд залидан озод қилинган, 7 та суд босқичи 3 босқичга келтирилиб, суд тизими **"бир суд – бир инстанция"** тамойили асосида қайта ташкил этилаётганида кўриш мумкин.

Мамлакатимизда Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий стратегия изчил амалга оширилмоқда.

Афё институтини қўллаш борасидаги ишларимиз изчил давом эттирилмоқда. Шу йилнинг ўзида билиб-билмай жиноятга қўл урган ва ўз қилмишидан пушаймон бўлган 300 дан ортиқ шахс афё этилиб, жазони ўташ жойларидан озод қилинди, 200 нафар маҳкумнинг жазо муддатлари қисқартирилди.

Узоқ вақт фуқароликка эга бўлмаётган келган инсонлар бугунги кунда ўзларини тўлақонли Ўзбекистон фуқаролари деб ҳис этмоқда. Ўтган йигирма беш йилда 482 нафар шахсга фуқаролик берилган бўлса, бугунги кунда 50 мингдан зиёд киши шу ҳуқуққа эга бўлмоқда. Бу эса Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг фуқаролиги бўлмаган инсонлар сонини камайтиришга қаратилган ҳақириғига муносиб жавоб бўлади.

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида кўчмас мулк сотиб олиш билан боғлиқ чекловлар бекор қилинган тўғайли 40 мингдан ортиқ фуқаро пўйтахт минтақасида сотиб олган уй-жойларини ўз номига расмийлаштириш имконига эга бўлди.

#### Муҳтарам ватандошлар!

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, халқ фаровонлигини ошириш борасида олиб борилаётган изчил сиёсат жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилмоқда.

Бу ҳақда сўз юртганда, шу йил сентябрь ойида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида Ўзбекистон

томонидан илгари сурилган бир қатор глобал ва минтақавий ташаббуслар, аниқ амалий тақлифлар халқро микёсда кенг қўллаб-қувватланганини таъкидлаш ўринлидир.

Октябрь ойида эса мамлакатимиз миллий давлатчилигимиз тарихида илк бор Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг асосий органларидан бири бўлган Инсон ҳуқуқлари кенгашига аъзо этиб сайланди.

**Бу – биз олиб бораётган очиқ ва фаол ташқи сиёсатнинг яна бир катта ютуғи, десак, ҳар томонлама тўғри бўлади.**

Мамлакатимизда инвестиция ва бизнес муҳити яхшиланаётгани, туризм ва экспорт салоҳияти юксалиб бораётгани, Халқро меҳнат ташкилотининг стандарт ва қоидалари ҳаётга фаол татбиқ этилаётгани тўғайли Ўзбекистоннинг халқро рейтинглардаги ўрни йил сайин юксалимоқда.

Пандемия ва глобал иқтисодий инқироз сабабли юзага келган турли тўсиқ ва муаммоларга қарамасдан, ташқи aloқаларимиз тўхтаб қолмади. Қўшни ва ҳамкор давлатлар билан сиёсий ва савдо-иқтисодий, гуманитар соҳалардаги aloқалар улусксиз давом этмоқда.

Хорижий мамлакатлардаги фуқароларимизнинг мавжуд муаммоларини тезкор ва ижобий ҳал этиш, уларга амалий ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳамда Ватанимизга қайтариш борасида бу йил аниқ чора-тадбирлар амалга оширилгани халқимизга яхши маълум. Хусусан, пандемия даврида 500 мингдан зиёд Ўзбекистон фуқароси юртимизга олиб келинди. Чет элларда қийин аҳволга тушиб қолган 100 мингга яқин юртодошимизга турли ёрдамлар кўрсатилди.

Елгон ваъдаларга алданиб, мамлакатимиздан чиқиб кетган ва қуролли можаролар бўлаётган Яқин Шарқ минтақасида оғир кунларни бошидан ўтказаятган фуқароларимиз, асосан аёллар ва болаларни мамлакатимизга қайтариб олиб келиш бўйича инсонпарварлик тадбирлари давом эттирилмоқда.

Шу муносабат билан яна бир бор таъкидлаб айтмоқчиман: **Ўзбекистон фуқаролари ҳамиша ўз давлати ва Конституцияси ҳимоясида бўлади ва биз бу тамойилни бундан буён ҳам қатъий амалга оширамыз.**

#### Ҳурматли дўстлар!

Кейинги йилларда эришган ижобий натижаларимиз биз қўзлаётган улусвор мақсадлар йўлидаги дастлабки қадамлар эканини яхши тушунамыз. Бу борада халқ олдимизда **улкан вазифалар** турибди.

**Биринчидан**, Конституция ва қонунларимизни янада такомиллаштиришни бугун ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда. Жумладан, халқимиз манфаатларига, ҳаётимизнинг барча соҳаларини эркинлаштиришга хизмат қиладиган қонунларни қабул қилиш, давр талабларига жавоб бермайдиган қонун ҳужжатларини бекор қилиб, қонунчилик базасини ихчамлаштириш, бизнес фаолиятини тартибга солиш борасидаги ортиқча нормаларни камайтириш зарур.

Ушбу вазифаларни бажаришда сиёсий партиялар ва фуқаролик жамияти институтлари янада фаол бўладилар, деб ўйлайман.

**Иккинчидан**, тараққиёт кушандаси бўлган коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишнинг таъсирчан механизмларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш лозим.

Сўнгги икки йилда ноқонуний хатти-ҳаракати билан давлатга 2 триллион сўм зарар етказган 1986 нафар мансабдор шахс коррупцияга оид жиноятлари учун жиноий жавобгарликка тортилгани бу масала нақадар долзарб эканини кўрсатади.

Мазкур йўналишдаги ишларимизни тизимли ва комплекс давом эттириш учун **2021-2025 йилларга мўлжалланган Коррупцияга қарши курашиш миллий стратегияси** устида иш олиб боришмоқчимиз.

Шу ўринда яна бир бор таъкидлаб айтаман: бу масала биз учун ўта муҳим ва устувор вазифа бўлиб қолади. Чунки коррупция – бу давлатимизни ич-ичидан емириб, миллий хавфсизлигимизга раҳна соладиган ғоят хатарли таҳдид ва унга қарши муросасиз кураш олиб бориш – барчамизнинг бурчимиздир.

**Учинчидан**, мамлакатимизда тинчлик-осойишталик, миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенгликни мустаҳкамлаш, жамоат тартибини сақлаш масалаларига янада кўчи эътибор қаратишимиз зарур. **"Қонун – устувор, жиноятга – жазо муқаррар"** деган конституциявий тамойилни амалда таъминлаш учун ҳуқуқ-тартибот

идораларининг бор куч ва имкониятлари сафарбар этилади.

**Тўртинчидан**, муҳтарам нурунийларимиз, ҳурматли хотин-қизларимиз, азиз ёшларимизнинг ҳаётини манфаатларини таъминлаш, хонадон ва маҳаллаларимизда, ягона ва аҳил oilа бўлиб яшаётган кўп миллатли юртимизда тинчлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш биз учун бундан буён ҳам устувор вазифа бўлиб қолади.

**Бешинчидан**, сўз ва матбуот эркинлиги, оммавий ахборот воситалари мустақиллигини таъминлаш, давлат ҳокимияти идоралари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишга қаратилган ишларимизнинг таъсирчанлигини янада оширамыз.

**Бир ҳақиқат ҳаммамизга аён бўлиши керак: барча соҳаларда амалга ошираётган ислохотларимиз қатори жамиятимизда очиклик ва ошкоралик, ўзини ўзи танқид ва демократик янгилаш жараёнлари энди ҳеч қачон ортга қайтмайди ва биз бу йўлни қатъий давом эттирамыз.**

#### Азиз ва муҳтарам ватандошлар!

Халқимиз ҳаётини янада обод ва фаровон қилиш, юртимизда яшаётган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир инсонга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш – давлатимиз ва жамиятимизнинг бош вазифасидир.

Мана шундай эзгу ва шарафли мақсад йўлида кексаю ёш барча ватандошларимиз бир тану бир жон бўлиб ҳаракат қиладилар, янги Ўзбекистон бунёдкори бўлиб майдонга чиқадилар, деб ишонаман.

Сизларни Конституция куни байрами билан яна бир бор чин қалбимдан табриклаб, барчангизга сихат-саломатлик, оилавий бахт, шахсий ва ижтимоий ҳаётда катта муваффақиятлар тилайман.

Хонадонларимизни, гўзал юртимизни тинчлик-осойишталик, файзу барака асло тарқ этмасин! Барча эзгу орзу-ниятларимиз рўёбга чиқсин! Яратганнинг ўзи ҳаммамизни паноҳида асрасин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,

Ўзбекистон Республикаси Президенти

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

# ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА СУВ РЕСУРСЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ВА ЕРЛАРНИНГ МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИНИ ЯХШИЛАШ БЎЙИЧА КЕЧИКТИРИБ БЎЛМАЙДИГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Қорақалпоғистон Республикасида ирригацияни ривожлантириш ва сўғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича изчил чоралар қўриб келинмоқда. Натижада, кейинги уч йил ичида **47 минг гектардан ортиқ** ерларнинг сув таъминоти яхшиланди, кучли ва ўртача шўрланган майдонлар **11,2 минг гектарга** камайдди, **140 минг гектардан ортиқ** майдоннинг мелиоратив ҳолатини барқарор сақлашга эришилди.

Шу билан биргаликда, Қорақалпоғистон Республикасида **44,9 минг гектар** сўғориладиган ерларнинг сув таъминоти паст даражада, **95,2 минг гектар** сўғориладиган майдонлар ўртача ва кучли шўрланган, мавжуд сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги эса пастлигича қолмоқда.

Қорақалпоғистон Республикасида сув ҳўжалиги объектларини қуриш ва реконструкция қилиш, сувни тежайдиган сўғориш технологияларини кенг жорий қилиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сув ресурслари ва электр энергиясидан фойдаланишнинг автоматлашган назоратини йўлга қўйиш ҳамда илм-фан янгиланган ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш орқали сув йўқотиларини камайтириб, каналларнинг фойдали иш қобилиятини ошириш ҳамда сўғориладиган ер майдонларини сув билан ишончли таъминлаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида:

#### 1. Қийдалагилар:

2021–2023 йилларда Ўзбекистон Республикаси республика бюджетига маблағлари ҳисобидан Қорақалпоғистон Республикасида ирригация ва мелиорация объектларини қуриш, реконструкция қилиш ҳамда мелиорация объектларини таъмирлаш ва тиклаш ишларининг манзилли рўйхати 1-иловага мувофиқ;

2021–2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасида маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан ирригация тизимларини таъмирлаш ва тиклаш ишларининг прогноз кўрсаткичлари 2-иловага мувофиқ;

2021–2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасида сув истеъмолчилари уюшмалари, кластерлар ҳамда фермер ҳўжалиқларининг ўз маблағлари ҳисобидан сўғориш тармоқларини таъмирлаш ва тиклаш ишларининг прогноз кўрсаткичлари 3-иловага мувофиқ;

2021–2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасида сувни тежайдиган сўғориш технологияларини жорий қилишнинг прогноз кўрсаткичлари 4-иловага мувофиқ;

2021–2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасида сув ҳўжалиги объектларини бошқариш, сувни ҳисобга олиш ва мониторинг юритишда рақамли технологияларни жорий қилиш прогноз кўрсаткичлари 5-иловага мувофиқ;

2021–2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасида сув ҳўжалиги вазирилик тизимидаги насос станцияларида электр энергиясидан фойдаланишни рақамли технологиялар ёрдамида "онлайн" режимда назорат қилишнинг жорий этиш прогноз кўрсаткичлари 6-иловага мувофиқ;

2021–2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасида насос станциялари ва ирригация тизимлари каналларини давлат-хусусий шериклик тамойиллари асосида хусусий секторга бериш прогноз кўрсаткичлари 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси сув ҳўжалиги вазири Ш.Р.Хамраев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси Қ.Р.Сариев ва Қорақалпоғистон Республикаси туманлари ҳокимларига мазкур қарорда белгиланган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши бўйича шахсий жавобгарлик юклансин.

#### 2. Мазкур қарорнинг 1-иловасида келтирилган лойиҳалар, шунингдек, 2-иловасида белгиланган прогноз кўрсаткичлар доирасида бажариладиган лойиҳалар:

ҳар бир лойиҳанинг натижадорлиги ва мақсадга мувофиқлигидан келиб чиққан ҳолда, лойиҳаларда белгиланган қурилиш, реконструкция қилиш ҳамда таъмирлаш ва тиклаш ишлари бўйича тайёрланган тегишли лойиҳа ҳужжатлари асосида амалга оширилади;

ҳар бир лойиҳанинг лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилгандан сўнг Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва туманлар ҳокимликлари, Сув ҳўжалиги вазирилик, Қишлоқ ҳўжалиги вазирилик, Ўзбекистон фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томоққа ер эгалари кенгаши, сув истеъмолчилари уюшмалари ва бошқа манфаатдор ташкилотлар иштирокида ҳамда мустақил экспертларни жалб этган ҳолда муҳокама қилинади

ҳамда уларнинг ижобий хулосаси асосида белгиланган тартибда амалга оширилади.

3. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирилик (А.Ж.Ортиқов), Молия вазирилик (О.З.Насрир-тоҳжаев), Сув ҳўжалиги вазирилик (Ш.Р.Хамраев);

мазкур қарорнинг 1-иловасида амалга оширилиши белгиланган ирригация ва мелиорация лойиҳаларининг асосий кўрсаткичларини аниқлаштириб ва янгиллаб борган ҳолда 2021–2023 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратўзимини ривожлантириш дастурини шакллантириш жараёнида уларни инобатга олсин;

мазкур қарорнинг 4–6-иловалари доирасида амалга ошириладиган тадбирлар учун 2021–2023 йил Давлат бюджети параметрларида маблағлар кўзда тутилишини таъминласин.

4. Ҳисоб палатаси (Б.Т.Турабов) Молия вазирилик (Т.А.Ишметов) билан биргаликда мазкур қарорнинг 1-иловасида назарда тутилган лойиҳалар доирасидаги маблағларнинг мақсадли ажратилиши ва сарфланиши устидан доимий назорат ўрнатсин ҳамда ҳар ярим йилда Ўзбекистон Республикасининг Бош Вазир А.Н.Ариповга ахборот қиритиб борсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Қ.Р.Сариев) ва туманлар ҳокимликлари:

мазкур қарорнинг 2-иловасида белгиланган прогноз кўрсаткичларининг бажарилиши учун талаб этиладиган маблағларни маҳаллий бюджет ҳисобидан ажратиб борсин;

мазкур қарорнинг 3-иловасида белгиланган прогноз кўрсаткичларининг бажарилишида сув истеъмолчилари уюшмалари, кластерлар ҳамда фермер ҳўжалиқларига қўмақлашсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Сув ҳўжалиги вазирилик (Ш.Р.Хамраев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Қ.Р.Сариев) ва туманлар ҳокимликлари:

мазкур қарорнинг 1-иловасига мувофиқ тасдиқланган манзилли рўйхатлар, шунингдек, 2-иловасига мувофиқ тасдиқланган прогноз кўрсаткичлар доирасида объектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари ўз вақтида ва сифатли ишлаб чиқилиши, бош пудрат ташкилотларининг тендер (танлов) савдолари асосида

аниқланиши ҳамда қурилиш ишларининг амалга оширилишини ташкил қилиш ва назоратга олсин;

объектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлашда, тендер (танлов) ларни ўтказиш жараёнида шаффофликни таъминлаш ҳисобида объектларнинг қийматини мақбуллаштириш чораларини қўрсин;

лоийҳаларни амалга ошириш доирасида зарур асбоб-ускуна, хомашё, бутловчи буюмлар ҳамда сифатли қурилиш материалларининг маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан харид қилинишини таъминласин (мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар учун);

энергия тежамкор технологияларни қўллаш ҳамда объектларни қуриш ва реконструкция қилиш ишларига маҳаллий пудрат ташкилотларини кенг жалб қилишга алоҳида эътибор қаратсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирилик (Б.И.Закиров) мазкур қарорга асосан ирригация ва мелиорация объектларини қуриш, реконструкция қилиш ҳамда мелиорация объектларини таъмирлаш ва тиклаш бўйича л

Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқирилиши шарт.

КОНСТИТУЦИЯ ВА ҲАЁТ

# ХАЛҚИМИЗ ТОМОНИДАН ВА ХАЛҚИМИЗ УЧУН ЯРАТИЛГАН ОЛИЙ ҚОМУС



Нурдинжон ИСМОИЛОВ,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси спикери:

— Ўзбекистон халқи ўзининг бутун ривожланиш тарихи мобайнида жамиятдаги ҳар бир инсоннинг манфаатларини бирдек ҳимоя қила оладиган, азалий миллий кадриятлари, анъаналари ва урф-одатларини, ўзлигини, шаъни ва кадр-қимматини қафолатлайдиган ҳамда айни пайтда жаҳондаги ривожланган давлатларда қарор топган илгор Конституциявий ҳоғларни қамраб олган яхлит қомусий-хуқуқий ҳужжатга эҳтиёж сезиб яшайди. Мустақилликка эришганимиздан сўнг халқимизнинг бўқилмас сиёсий иродаси ва хоҳиш-истагини рўёбга чиқариш учун хуқуқий пойдевор бўладиган, иқтисодий-ижтимоий фаровонлигини, маданий ва маърифий тараққиётимизни таъминлайдиган, энг асосийси, инсонпарварлик ҳоғлари билан йўғрилган тамойиллар ўз аксини топган Олий Қомусимиз ишлаб чиқилди. Бош Қомусимиз инсон манфаатларини таъминлаш учун хизмат қиладиган инсонпарвар фуқаролик жамиятининг, адолатли хуқуқий давлатнинг демократик суверен йўлимизнинг хуқуқий асосига айланди. Шу билан бирга, Конституция-мизда замонавий ўзбек миллий давлатчилигининг тенг хуқуқлиқлиқ, қонунийлиқни таъминлаш, инсон хуқуқларининг сўзсиз устуворлиғи каби принциплар билан бир қаторда ўзбек халқининг қон-қонига сингиб кетган муқаддас анъаналар, хусусан, оиланинг муқаддаслиғи, фарзандларнинг ота-онаси олдидаги бурчлари ҳам аниқ-равшан белгилаб берилди. Бироқ ҳар қандай Конституция

қанчалик залворли ва муқаммал бўлмасин, аҳолининг турмуш тарзи ва яшаш сифати, фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш қафолатлари нафақат конституциявий нормаларнинг ҳаққонийлигига таянади, балки улар, асосан, фуқаролар ва давлат институтларининг ушбу нормаларни таъминлашга бўлган интилишлари ҳамда саъй-ҳаракатлари билан чамбарчас боғлиқдир. Шу боис Асосий Қомусимизда белгиланган инсонпарварлик принципларининг амалга ошишида давлатнинг самарали фаолияти беқиёс аҳамиятга эгадир. Зеро, бугунги замонавий демократик жамиятларда давлат институтлари фаолиятининг самарадорлиғи конституциявий нормаларни ҳаётга татбиқ этиш ва ундаги принципларни рўёбга чиқариш даражасига қараб баҳоланади. Президентимиз ўз фаолиятининг дастлабки кўнлариданоқ собитқадамлик ва қатъиятлик билан Конституциявий ваколатлари доирасида Конституцияимизнинг барча нормаларини ҳаракатга келтириш ҳамда уларнинг ишлашини таъминлаш чораларини кўришга киришди ва бунга муваффақ бўлди. Хусусан, қонунчилик жараёнига янги амалиётни олиб кирди. Норматив-хуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишнинг янги, демократик шакллари жорий этилмоқда, қонун ҳужжатлари лойиҳалари кенг жамоатчилик вакиллари, миллий ва хорижий экспертлар доирасида муҳокамадан ўтмоқда. Қонун ижодкорлиғи жараёнига бун

дай янгиликларни татбиқ этилиши натижасида қонун ҳужжатларининг амалий самарадорлиғи ва ҳаётчилиги кескин ошишига эришилмоқда. Президентимиз Конституцияда белгиланган халқ ҳоқимиятчилиғи принципига алоҳида эътибор қаратиб, халқни эшитиш ва унинг ташвишу муаммоларини ҳал этишни, фуқароларнинг қонуний манфаатлари ва хуқуқларини ҳимоя қилишни ўз сиёсий йўлининг қатъий ва ўзгармас принципларидан бирига айлантирди. Шу билан бирга, мамлакатимиз Конституциясида белгилаб қўйилган «Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлиғини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунчилик принциплари асосида амалга оширади» деган конституциявий нормани бажариш вазифасини жамиятнинг ва давлат органларининг олдига кўндаланг қўйди. Ҳаракатлар стратегияси доирасида мамлакатимизда конституциявий қонунчилик нормаларини амалга қўлаш соҳасида Ўзбекистон Президенти томонидан амалга оширилган тўб ўзгаришлар кўламини таҳлил қилар эканмиз, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тегишли моддалари мисолида ушбу жараёнга оид айрим муҳим мисолларга эътибор қаратмоқчиман. Биринчи мисол. “35-модда. Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш хуқуқига эга. Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқирилиши шарт”.

Мамлакатимизда фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг, уларга муносабат билдиришнинг мутлақо янги ва самарали тизими яратилиб, уларни давлат органлари томонидан кўриб чиқиш амалиёти тубдан ўзгарди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси, шунингдек, туманлар ва шаҳарлардаги Халқ қабулхоналари мазкур тизимнинг марказий бўғинига айланди. Ушбу янги тизимлар ўз навбатида давлат органларининг халқ томонидан кўтарилаётган муаммоларни ўз вақтида ҳал этиш борасидаги масъулиятини кучайтириш ва пировард натижада муҳим конституциявий нормани ҳаракатга келтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Иккинчи мисол. “29-модда. Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги хуқуқига эга. Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш хуқуқига эга, амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустаснодир. Фикр юритиш ва уни ифода-лаш эркинлиги фақат давлат сири ва бошқа сирларга тааллуқли бўлган тақдирдагина қонун билан чекланиши мумкин”.

Сўнгги вақтларда Президентимизнинг қатъий иродаси туфайли мамлакатимизнинг миллий ахборот соҳасида чинаямига инқилобий ўзгаришлар рўй берди. Хусусан, оммавий ахборот воситалари, мамлакатимиз фуқаролари ўз фикрини эркин ифода-лаш имкониятига эга бўлди. Мамлакатимизнинг ахборот майдонида шундай очкилик ва сўз эркинлиги муҳити яратилдики, ҳар бир муаммо яширилмасдан ошқора жамоатчилик муҳокамасига олиб чиқила бошланди, давлат ҳоқимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотнинг очкилиғи принципи қонунчилик йўли билан мустаҳкамлаб қўйилди.

Учинчи мисол. “40-модда. Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш хуқуқига эга”.

Давлат раҳбари учун энг ноёб ва зарур қобилият — олдиндан узоқни қўра билиш ва ўз вақтида чоралар кўриш қобилиятидир. Президентимиз ўз фаолиятини бажаришга киришган биринчи кўнлардан бошлаб соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислохотларни амалга оширмаганда, бутун дунёни таҳликага туширган коронавирус пандемияси мамлакатимизни қандай мушкул вазиятга солиб қўйиши мумкинлигини эндиликда тасаввур этиш қийин эмас.

Ўзбекистон Президенти бутун дунёни таҳликага солган пандемия билан боғлиқ мураккаб ва оғир вазиятларда бутун масъулиятни ўз зиммасига олди ва давлат идораларини, жамоатчиликни бу хавфнинг олдини олиш чораларини кўришга сафарбар этди. Натижада Ўзбекистон коронавирус инфекцияси пандемияси туфайли қурбонлар сони ва иқтисодий йўқотишларини энг паст кўрсаткичга туширган олган озчилик мамлакатлар қаторидан жой олди. Миллий ва халқаро ҳамжамият соғлиқни сақлаш миллий тизимидаги ислохотларни амалга оширишда давлатимиз раҳбарининг шахсан иштирок этганлиғи фуқаро-

ларнинг малакали тиббий хизматга бўлган конституциявий хуқуқларини рўёбга чиқариш, мамлакатни коронавирус пандемияси билан боғлиқ оғир нохуш оқибатлардан ҳалос этиш имкониятини берганлигининг гувоҳи бўлди.

Тўртинчи мисол. “42-модда. Ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш хуқуқи қафолатланади. Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига қамқўрлик қилади”.

Ўзбекистон Президентининг бевосита ташаббуслари илм-фан, техникани, маданиятни ривожлантириш соҳасини жонлантиришга қаратилган кенг кўламли лойиҳаларни амалга ошириш учун асос бўлди. Давлат бошлиғи таълим ва маданиятни ривожлантириш жараёнларига янги шакл-шамойил берди. Бу борада замонавий глобал тараққиётга ҳамоханг бўлган ва ҳар бир шахсни ижодий, инновацион, маданий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилган миллий тизимни яратишнинг тамал тошини қўйди.

Натижада кенг кўламли изла-нишлар, тузилмавий ўзгаришлар туфайли барча даражадаги таълим, илмий тадқиқотлар, инновацион ишланмалар тизими, миллий маданиятни ривожлантириш жараёнлари қайта жонлана бошлади.

Умуман, Президентимиз Асосий қонунимизнинг бутун фалсафаси ва руҳини барчамизга чўқур сингдириш билан бир қаторда, Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилган нормалар ва принципларни ҳаётга татбиқ этилишига эриша олди. Шу билан бирга, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Конституциямиз янги демократик нормалар билан бойитилди.

Хулоса қилиб айтганда, Президентимиз Шавкат Мирзиёев халқ хоҳиш-иродаси билан яратилган Ўзбекистон Конституциясининг бутун қудрати ва салоҳиятини ўзининг шахсий намунаси, тиним билмас ташаббускорлиғи билан барчамизга намоёйиш этмоқда. Унинг хуқуқий давлат ва инсонпарварлик принципларига нисбатан ҳурмати, содиқлиғи, шунингдек, қонунийлиқни ва Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилган хуқуқий нормаларнинг аниқ бажарилишини таъминлашга бўлган интилишлари ҳаммамиз учун улкан ибрат ва учинчи Ренессанс пойдевори яратилишида ўта муҳим аҳамиятга эга.

МУНОСАБАТ



Дилором ИМОМОВА,  
Олий Мажлис  
Қонунчилик  
палатасидаги  
Ўзбекистон  
ХДП  
фракцияси  
аъзоси:

— Аввал ҳам айтган фикрларимизни яна бир бор таъкидламоқчиман. Давлат бюджет ижроси бўйича ҳисоботларни расмий веб-сайтларига жойлаштирмаслик ҳолатлари билан умуман муро-са қилиб бўлмайди. Агар очкилик ҳамда шаффофликка эришмоқчи бўлсак, айнан ушбу амалиётни қўлашимиз, аҳолига халқнинг пули нималарга сарфланиши ҳақида маълумотларни тақдим этишимиз зарур. Маълумий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга бюджет жараёнининг очкилигини таъминлаш тартибини бузган мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорини оширишни, хусусан, базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима белгилашни таклиф қилган эдик.

Аммо муҳокамалар пайтида баъзи жиҳатлар эътиборимизни тортди. Хусусан, қонунчиликка илк марта киритилаётган меъёрни қатъийлаштириш, жарима миқдорини ошириш амалиётда қийинчиликларни юзага келтириши мумкинлиги таъкидланди. Шу жиҳатдан ҳозирча жаримани базавий ҳисоблаш миқдорининг икки бараваригача, яъни дастлабки ҳолатда қолдиришга розилик суралди.

Фракциямиз аъзолари ушбу жаримани қўлаш билан боғлиқ механизмни такомиллаштириш заруратини ҳисобга олиб, жарима миқдори дастлаб кўзда тутилган ҳолатда қолишини маълум қилди.




Улугбек ВАФОВ,  
Олий Мажлис  
Қонунчилик  
палатасидаги  
Ўзбекистон  
ХДП  
фракцияси  
аъзоси:

— Бюджет кодексининг 141-моддасига иккинчи ўқишда киритилаётган ўзгариш буйича баъзи эътирозларим бор. Гап шундаки, биринчи ўқишда ушбу моддада айланма касса маблағларининг миқдорлари туманлар ва шаҳарлар бюджетлари учун Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгаши қарорлари билан белгиланиши кўзда тутилган эди. Лекин иккинчи ўқишга тайёрланиш жараёнида айланма касса маблағларининг миқдорлари туманлар ва шаҳарлар бюджетлари учун Қорақалпоғистон Республикаси вази-рлар кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳоқимлари томонидан белгиланиши шаклида ўзгариш киритилди. Бу ваколат маҳаллий вакиллик ҳоқимиятида қолдирилиши ҳар томонлама тўғри бўлади, деб ҳисоблайман. Шунинг учун меъёр ўзгаришига қарши эканимни маълум қилмоқчиман.

# МУРОЖААТДА ҲАМ МЕЪЁР БОР

ёхуд боқимандалик балоси...



## Жамоатчилик қабулхонаси: мурожаат, муаммо, ечим

Халқ билан мулоқот бугун давлат идоралари ёхуд ижро ҳоқимиятининг энг устувор вазифаларидан бирига айланди. Қайси давлат идораси бўлмасин, мақсад битта, у ҳам бўлса — одамларнинг дардини тинглаш, аҳолини қийнаётган масалаларга ечим топиш ва уларни ўз вақтида ҳал этиш.

Юртимизда сўнгги йилларда бу борада жиддий ўзгаришлар юз берди. Президент Виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналари ташкил этилди. Вазирлик ва идоралар, мансабдор шахсларга электрон мурожаат қилиш имкониятлари яратилди. “Ишонч телефонлари” самарадорлиғи оширилди. Мансабдор шахслар ижтимоий тармоқларда халқ билан тўғридан-тўғри мулоқотни йўлга қўйишни бошлашди.

Айни вақтда шикоят ва аризаларни кўриб чиқиш, муаммоларни ҳал этишда жамоат-

чилик имкониятларидан ҳам кенг фойдаланилмоқда ва бу ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Албатта, фуқаро мурожаатларига эътибор — биринчи галдаги вазифа. Негаки, ҳар бир масала ортида инсон тақдир ётади.

Аммо бу имкониятни суистеъмол қилаётган шикоятчилар борлиғидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Турли идораларга кети узилмай келаётган асоссиз шикоятлар-у мурожаатлар раҳбарни ишдан қалғитиб, вақтини олаётгани баъзан юракда оғриқ уйғотади.

Тўғри, мурожаат ва шикоят қилишга ҳар бир фуқаронинг қонуний ҳаққи бор. Ҳеч ким бунга чеклаб олмайди. Лекин қайси идорага бўлмасин, мурожаат қилишда баъзи меъёрларни унутмаслик керак.

Яқинда Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан сайланган депутатлар билан бирга фуқаролар мурожаатларини ўрганиш

мақсадида маҳаллалардан бирига бордик. Ўрганишларимиз чоғида маълум бўлишича, фуқаролардан бири коммунал тўловлардан қарзи қўпайиб кетиб, моддий ёрдам сўраб маҳалла фуқаролар йиғинига ариза билан мурожаат қилди. Маҳалла раиси эса унга моддий ёрдам бера оладиган ҳоқимий топиш мақсадида Халқ демократик партияси Бухоро шаҳар кенгашига хат билан чиқади. Депутатлар саъй-ҳаракати билан мазкур оилага ёрдам қилинди. Фуқаро эса пулни олади-ю, “Бу менга депутатнинг ёрдами, маҳалла эса алоҳида ёрдам бериши керак”, деб раиснинг олдида қайта-қайта бораверган. Хўш, маҳалла пулни қаердан олган? Мақсади ҳосил бўлмай, рад жавобини олган фуқаро маҳалла устидан бошқа ташкилотларга шикоят қилган. Хуллас, бу ёғига “ёзди-ёзди” бошланади.

Хўш, бу ношуқурликми ёки боқимандалик? Яна бир фуқародан келган мурожаатни ўргандик. Мурожаатда ёзилишича, оила моддий жиҳатдан жуда қийналган, уйи таъмирталаблиғи боис амалий ёрдам сўраган.

— Эрим ҳеч қаерда ишламайди, чунки ўқимаган, — дейди уй бекаси. — Мен уйда бола-ларга қарайман. Ишга чиқишимга имкон йўқ. Моддий томондан жуда қийналиб қолганмиз. Уйимизни таъмирлашимиз керак.

Хонадонга разм солашим: унчалик ҳам таъмирталаб эмас, нари борса, уйнинг эркакги қўл меҳнати билан бир кунда қилинадиган иш, аммо кўриниб турибдики, оила аъзоларида бунинг учун ҳафсала йўқ. Ундан кўра, ариза билан мурожаат қилишса, ёрдам гуруҳи келиб, рисоладагидай таъмирлаб беради...

Аёлнинг турмуш ўртоғи билан суҳбатда бўлдик. Чамаси 35 ёшлардаги, тоғни урса толқон қилидиган йигит уялмай ёрдамга муҳтожман, деб юзимишга боқиб турарди. Бир неча жойдан иш борлигини билдириб, ишлашни таклиф қилди. “Маоши қанча экан? Қурилишдан иш бўлса керакмас, мен қурилишда ишламайман. Менга 4 миллион сўмлик маоши бор жойдан, интер-жинерингми, шунга ўхшаб корхоналардан иш топиб беринлар”, дея ерга қараб ўтираверди.

— Ёрдам бермасаларинг нега келдинлар? Биз моддий ёрдам сўраб мурожаат қилгандик! — дея газабини сочтишдан ҳам тап тортмади.

— Бир кекса отахон биздан ёрдам сўраб келди, — дейди ЎзХДП Бухоро шаҳар кенгаши раиси Робия Қазимова. — “Ўғлимни уйлантириш учун моддий ёрдам кўрсатинлар, менинг имконим етмаяпти”, деганига ишониб, тўй харажатларига қўмақлашим мақсадида бир тўйхона эгаси билан гаплашиб, саховат учун шу оилага бепул ёрдам кўрсатишини илтимос қилдик. Отахонни 7 миллион сўмлик харажатдан ҳалос қилдик. Унга хушхабарни оқказдик. Бироқ отахон “Мен сизларга тўйхонани гаплашиб беринлар, деганим йўқ, менга пул керак, 4 миллион сўм топиб беринлар, тамом, бошқаси билан ишингиз бўлмасин”, деди. Кейинчалик маълум бўлишича, отахоннинг ўғлига бошқа масала бўлишча пул керак бўлган экан. Отахондан ҳафа бўлдиқ, ростини айтиб тушунтирса буларди-ку, дея қўнғлимиз оғриди.

Бундай мисоллар оз эмас. Сўнгги пайтларда пандемия баҳона уйга кириб олган эркаклар аёлларини боласи билан идорам-идора югуртиришдан тап тортишмаяпти. Нега мени “темир дафтар”га киритмадинлар, деб жанжал қилаётганлар қўпайиб борапти.

Шукурки, пандемия шароитида бошқа давлатларга қараганда бизда вазият яхши. Аёнки, мамлакат юкига елка тутадиган, юртга мададкор бўладиган фурсат ҳозир.

Президентимиз таъкидлаганидек, биров балиқ келтириб берса, айкан, деб эмас, қармоқни қўлга олиб, ўзим балиқ овлашим, рўзгоримни бўл қилишим керак, дейдиган, яъни, ҳалол меҳнат билан незмат яратиб, ҳаётини изга қўядиган кўнлар келди.

Ҳар бир нарсда меъёр бўлса, инсоф бўлса, мувозанат бўзилмайди. Айниқса, мурожаатлар борасида. Бир-икки марталик асоссиз ёрдам оламан деб, киши ўз қадри ва шаънини оёқости қилмаслиғи керак.

Шаҳло БАҚОЕВА,  
журналист.

## «МУРУВВАТ» УЙИ меҳр-мурувватли кишилар эътиборида

“Мурувват” ногиронлар учун интернет уйимизда ўтган йили аёлларга мўлжалланган 300 уринли янги бино қурилиб, фойдаланишга топширилганди. Бу бино мамлакатимиз Президенти қарори асосида барпо этилди.

Аслида интернет уйи Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган, руҳиятида сезиларли нуқсонлар бор, 18 ёшдан бошлаб I ва II гуруҳ ногиронлиғи бўлганлар учун давлат тиббий-ижтимоий муассасаси ҳисобланади. Бугунги кунда бу ерда вазийликка олинган 450 нафарга яқин киши яшаб, даволанимоқда.

Муассасамизда фаолият кўрсатаётган шифокорларнинг 14 нафари олий маълумотли, 56 нафари ўрта тиббий ҳодимлар, 134 нафари кичик тиббий ҳодимлардир.

Бизда таъминот, тиббий хизмат ва бошқа соҳаларда ҳеч қандай муаммо йўқ. Мен бунга ҳар кунги таом тайёрланиш жараёнидан ҳам яхши биламан. Бундан ташқари, турли ҳудудлардан қўлаб саховатли ҳоқимлар келиб, аиникса, байрам кўнлари, муассасамизда тарбияланаётганларга меҳр-мурувват кўрсатишга ҳаракат қилишади.

Шундай саховатпеша инсонлардан бири Ургант туман бош имом хатиби Шоди ҳожи Ҳақбердиевдир. Ҳожи бобо муассасамизга ҳар гал тўлиб-тошиб келадилар, бу ердаги хасталар билан имкон қадар суҳбатлашадилар. У киши бу йил ҳам халқаро ногиронлар кунида “Мурувват” уйида яшовчиларни унутмадилар. Ҳожи бобонинг меҳр-мурувватидан бутун жамоа хурсанд бўлди.

Диффуза АТАМОВА,  
Ургант туманидаги “Мурувват” ногиронлар учун интернет уйининг бош ошпази,  
ЎзХДП бошланғич партия ташкилоти раиси.

Пандемия даврида аҳолини арзон нархларда сифатли дори воситалари билан таъминлаш мақсадида 43 турдаги, яъни 10 миллиард 500 миллион сўмлик дори воситалари харид қилиниб, махсус шиfoxоналар ҳамда даволаш-профилактика муассасаларига етказиб берилди.

ТАДБИР

# «Дори-Дармон» акциядорлик компанияси

коронавирус пандемияси даврида республикаимиз аҳолисига энг зарур бўлган дори воситаларини етказиб беришни уддалади

Миллий матбуот марказида «Дори-Дармон» акциядорлик компанияси томонидан «Худудлардаги масъулияти чекланган жамият ва акциядорлик жамиятларининг аҳолини зарур дори воситалари билан таъминлаш борасида амалга ошираётган чора-тадбирлари» мавзuida матбуот анжумани ўтказилди.

Тадбирда республикаимиз фуқароларини арзон ва сифатли дори воситалари ҳамда тиббиёт буюмлари билан таъминлаш билан бирга уларнинг соғлигини сақлаш борасида тизимли ишлар амалга оширилиб келинаётганлиги таъкидланди. Масалан, «Тошкент вилояти Дори-Дармон» АЖ томонидан Тошкент вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармасининг тақсироти асосида вилоятдаги 24 та тиббиёт муассасаси ва 19 та шаҳар, туман тиббиёт бирлашмасига 10,5 миллиард сўмлик 45 турдаги дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари етказиб берилган. Шу билан бирга «Назарбек» санаторийси негизида ташкил этилган, коронавирусга чалинган беморларни даволашга мўлжалланган муассасаси жами 1,6 миллиард сўмлик зарурий дори воситаси ва тиббий буюмлари билан таъминланган.

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақамасининг «Шахсларнинг айрим тоифаларини имтиёзли асосда дори воситалари билан таъминлаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан амбулатория шароитида даволанишдаги дори воситалари билан имтиёзли таъминланиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг 13 тоифаси рўйхати тасдиқланган, уларни дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлаш учун сарфланадиган харажатлар давлат томонидан қопланиши белгиланган. Пандемия даврида ушбу тоифага кирувчи беморларга компания ва унинг худудий бўлиmlари томонидан жорий йилнинг ўтган 10 ойи давомида 12,8 миллиард сўмлик дори воситаси ва тиббиёт буюмлари бепул рецептлар асосида берилди, — дейди «Дори-Дармон» акциядорлик компанияси бошқарув раисининг биринчи ўринбосари Абдулгани Камиллов. — Қолаверса, ушбу тоифадаги беморларга «Самарқанд Дори-Дармон» акциядорлик жамияти



томонидан жорий йилнинг ўтган 10 ойи давомида 3 миллиард 437 миллион 135 минг сўмлик ҳамда «Қашқадарё Дори-Дармон» масъулияти чекланган жамияти томонидан 10 миллиард 718 миллион 91 минг сўмлик дори воситалари имтиёзли рецептлар асосида бепул берилган.

Бундан ташқари, олис ва чекка худудларда истиқомат қилаётган аҳолини ҳам зарур дори воситалари билан таъминлашни янада яхшилаш мақсадида махсус жиҳозланган, изотермик фургонли «Isuzi» ва «Damas» автомобилларида кўча дорихоналар фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, бугунги кунда уларнинг сони 136 тани ташкил этди. Хусусан, «Қорақалпоқ Дари-Дармак» масъулияти чекланган жамиятининг 10 та кўча дорихонаси маҳаллий ҳокимиятлар билан келишилган жадвал асосида Мўйнок, Эпиккальа, Чимбой, Тахтакўпир, Қўнғирот, Беруний, Амударё, Тўрткўл ва олис худудларда қисобланган «Бестобе», «Қаратау» қишлоқ аҳолисини сифатли дори воситалари ҳамда тиббий буюмлари билан таъминлаб келмоқда. Ушбу кўча дорихоналар томонидан жорий йилнинг ўтган 10 ойи давомида 6,6 миллиард сўмлик дори воситалари ва тиббиёт буюмлари савдоси амалга оширилган.

Яна шуни қўшимча қилиб айтиш мумкинки, компаниямиз тизимида бир қатор дори воситаларини ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхоналар фаолияти ҳам йўлга қўйилган. Жумладан, Самарқанд шаҳридаги инъекцион эритмаларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган «INTEGRA DD» масъулияти чекланган жамиятида ҳозирги кунда 17 турдаги дори препаратлари ишлаб чиқаришмоқда. «Қашқадарё Дори-Дармон» масъулияти чек-

ланган жамиятида эса доривор ўсимликлардан шифобахш чойлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган бўлиб, бугунги кунда 13 турдан ортиқ доривор ўсимликлар қадоқланиб ишлаб чиқарилиб, дорихоналарга етказиб берилмоқда. Шу билан бирга Навоий шаҳридаги «Avitsenna» масъулияти чекланган жамиятида 6 турдаги гален дори воситалари ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилган.

— Жамиятимизга қарашли бўлган дорихоналаримизнинг сони бугунги кунда вилоятимизда жами 200 дан ортиқ бўлиб, 16 та дорихона туман марказида, 38 таси эса қишлоқ оилавий поликлиникасида, 100 таси қишлоқ врачлик пунктда, 9 таси шаҳар оилавий поликлиникасида, 23 таси даволаш профилактика муассасаларида ҳамда 23 таси аҳоли зич жойлашган шаҳар ва туманларнинг чекка қишлоқларида фаолият кўрсатмоқда, — дейди «Самарқанд Дори-Дармон» АЖ бошқарув раиси Фуқрат Шерматов. — Шунингдек, битта кўча дорихона «Isuzi» автобуси ҳамда 11 та кўча дорихона шохобчаси ҳисобланган «Damas» автомобибли орқали аҳолига хизмат кўрсатиб келмоқдамиз.

Маълумот ўрнида яна шуни айтишим мумкинки, жамиятимиз томонидан жорий йилнинг ўтган 10 ойи давомида дори воситалари ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқаришга 38 та маҳаллий корхонадан 13 миллиард 10 миллион 354 минг сўмлик ҳамда юртимизда фаолият юритаётган 54 та улгурижи савдо билан шугулланувчи корхонадан 15 миллиард 403 миллион сўмлик дори воситалари ва тиббий воситалар харид қилиниб, аҳоли ва даволаш-профилактика муассасаларига етказиб берилди. Бундан ташқари, пандемия даврида аҳолини арзон нархларда сифатли дори воситалари билан таъминлаш

мақсадида коронавирусга қарши ишлатиладиган 43 турдаги, яъни 10 миллиард 500 миллион сўмлик дори воситалари харид қилиниб, махсус шиfoxоналар ҳамда даволаш-профилактика муассасаларига эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда етказиб берилди.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда пандемия даври давом этаётгани инобатга олинган ҳолда вилоятимиз аҳолисига зарур бўлган тиббиёт буюмлари, вирус- ва бактерияларга қарши воситалари, тана ҳароратини туширувчи дорилар, антибиотиклар, тиббий ниқоблар каби жами 45 турдаги 2 миллиард сўмлик дори воситалари ҳамда тиббиёт буюмларининг захираси яратилиб қўйилди.

— Бугунги кунда жамиятимиз тасарруфидаги дорихоналаримизнинг сони 250 га яқин, шундан 10 таси ижтимоий дорихона, 226 таси эса дорихона филиали ҳамда битта кўча дорихона «Isuzi» автобуси ва 12 та кўча дорихона шохобчаси ҳисобланган «Damas» автомобибли орқали аҳолига хизмат кўрсатиб келмоқдамиз, — дейди «Фаргона Дори-Дармон» АЖ бошқарув раиси Муҳаммадмин Турсунов. — Дори воситаларининг захираси тўғрисида бёҳизга тўхталиб ўтмадим, боиси, жорий йилнинг март ойининг ўрталарида мамлакатимизда коронавирусни юктирган фуқаролар аниқланди ва ушбу ой охириларидан келганча мамлакатимизда карантин ҳолати эълон қилинди.

Уша вақтларда оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий тармоқларда коронавирусга чалинган беморларга ишлатиладиган бир қатор дори воситалари дорихоналарда йўқлиги ва ушбу дори воситаларига эҳтиёжи бор фуқаролар бу дориларни топа олмаётгани тўғрисида ўринли танқидий фикр-мулоҳазалар кўпайган эди. Аммо

масаланинг иккинчи томонини ўрни келганда айтиб ўтмоқчиман.

Уша вақтда тез ушбу дори воситаларининг керагича тахминий захирасини жамлаган эдик. Қаранки, юртимизда карантин эълон қилингандан сўнг, молиявий имконияти яхши бўлган жуда кўп оилалар, яъни коронавирусга чалинмаган бўлсалар ҳам ушбу вирус юкадиган бўлса, бир қатор дори воситаларини қабул қилса тузаларкан, деган маълумотларни таниш-билишларидан эшитиб, ушбу дорилар уларнинг оиласига умуман керак бўлмаса ҳам, кўп миқдорда харид қилишган. Яъни, ўзларича уйларида дори воситаларининг захирасини яратишган. Шу боисдан, ўша вақтларда айнан зарур бўлган аҳоли қатламига дори воситаларини дорихоналарга етказиб беришга қийналиб қолдик. Бир сўз билан айтганда, биз бу пандемия шароитига маълум маънода тайёр эдик. Аммо, аҳолимиз биров ваҳимага тушиб, керак бўлса-бўлмаса ҳам дориларни кўп миқдорда харид қилиши оқибатида шундай вазият келиб чиққан эди. Шуни мамнуният билан айтишми мумкинки, бу каби синовли ва қийин вазиятда ҳам жамиятимиз қўлидан келганча ҳаракат қилиб, зарур дори воситаларини вилоятимиз аҳолисига керагича етказиб беришга эришди. Жамиятимиз келгуси йилда ҳам вилоятимиз аҳолисини арзон ва сифатли дори воситалари билан таъминлашни ҳамда фаолиятини янада кенгайтиришни режалаштирган.

Тадбир сўнггида дори воситаларининг нархи ва сифати борасида журналистларни қизиқтирган саволларга мутахассислар жавоб қайтарди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,  
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ҚАРОР ВА ИЖРО

# ТАРАҚҚИЁТ – ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШДАН БОШЛАНАДИ

Янги Ўзбекистонни таълим соҳасини ислоҳ қилмасдан қуриб бўлмаслигини бугун ҳаммамиз англаб турибмиз. Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 6 ноябрдаги «Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда «Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилиниши замирида ҳам ана шундай улуг мақсад мумкин.

Тарихий аҳамиятга молик мазкур ҳужжатларда миллий таълим-тарбия тизимини замон талаблари асосида модернизация қилиш, ёшларни юксак билим-маърифат эгалари, жисмоний ва маънавий соғлом инсонлар этиб тарбиялаш, таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог ҳодимлари нуфузини ошириш, уларнинг самарали фаолият юритиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш бўйича изчил чора-тадбирларни амалга ошириш каби жиҳатлар кўзда тутилган.

Ўзбекистон халққаро ислом академиясида мазкур ҳужжатлар ижросини таъминлаш мақсадида умумтаълим муассасалари педагогларини фанлар кесимида ўқув-усlubий қўллаб-қувватлаш, қисқа муддатли малака ошириш курсларини ташкил этишга бағишланган семинар бўлиб ўтди. Unda Ўзбекистон халққаро ислом академияси Ўқув ишлари бўйича проректори Иброҳим Усмонов, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика таълим маркази директори Шухрат Сатторов, «Зиё-Зукко» умумтаълим мактаби директори Наргиза Исматова, 9-11 синф тарих дарслиги муаллифи, тарих фанлари доктори Акбар Заманов, янги жорий қилинган «Тарбия» дарслиги муаллифлари, Академия профессор-ўқитувчилари, Республика таълим маркази бўлим бошлиқлари, методистлари ҳамда пойтахтимиздаги Юнусовод, Яккасарой, Миробод, Бектемир, Мирзо Улугбек, Олмасор туманлари умумтаълим мактабларининг «Тарих ҳамда давлат ва ҳуқуқ асослари», «Тарбия», «Шарқ тиллари» фанлари ўқитувчилари иштирок этди.

— Республика таълим маркази томонидан умумтаълим мактаблари дарслиқларини босқичма-босқич янгиллаб бориш масаласи кўриломоқда, — дейди Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика таълим маркази директори Шухрат Сатторов. — Айни пайтда 17 та фандан йиллик ўқув дастури лойиҳаси ишлаб чиқилляпти. Бугун ўқувчини қандай ўқитамиз, деган масала олдимизда турбди. Афсуски, ақсарият умумтаълим мактабларидаги ўқитиш методикаси, ёндашув эскирган. Дарслар маъруза тарзида олиб борилади.

Дарсларда ўқувчи ҳато гап айтишдан қўрқгани учун ўз потенциални оча олмайдди. Бунинг олдини олиш мақсадида янги ўқув дастури орқали ўқитувчининг ҳам ёндашувиини ўзгартаришга ҳаракат қилялмиз. Ўқитувчи боланинг индивидуал маҳоратини очини, ўқувчи эса дарсларда фаол бўлиши керак. Бола мавзунини ёдлаши керак эмас, у нима ўрганганлигини тушуниши керак. Нотўғри фикр айтса ҳам ўша фикри ҳато эканини тушуниши. Ана шунда у мавзунини тўлиқ идрок этади. Хатоларидан ҳулоса чиқаради. Бу эса сифатли ва самарали таълим олишга хизмат қилади. Чунки дунёнинг ривожланган мамлакатлари ҳомаёш ишлаб чиқариб, иқтисодийн ривожлантиришдан кўра инсон интеллекти асосида ривожлантириш босқичига ўтган. Биз ҳам шу йўлдан боришга ўтдик. Бун эса таълим тизимини ислоҳ қилмасдан амалга ошириб бўлмайди.

— Тарихини ўқитишдан мақсад ўқувчининг тарихий тафаккурини шакллантириш ҳисобланади, — дейди тарих фанлари доктори Акбар Заманов. — Ўқувчи китобдаги маълумотларни ёдлаши керак эмас. Чунки дарслиқларимизда бир-бирига зид келадиган воқеа-ҳодисалар, саналар, фактлар мавжуд. Бунинг бош сабаби илмий жамоатчилик билан педагог ҳодимлар ўртасида юзага келган узилиш тўғрисида. Яна бир камчилигимиз бор. Шу пайтдаги ўқувчиларга улар кўпроқ билиши керак бўлган жиҳатини эмас, балки биз кўпроқ билган жиҳатини ўқитиб келдик. Масалан, мустанлакчилик даври дарслиқларда акс этган. Чунки бу давр яқин тарих бўлгани учун манбаларни ўрганиш осонроқ эди. Аммо жиҳдийроқ тадқиқот қилиб, ўрта асрларимизни тадқиқ этмадик. Масалан, 9-синф китобда бор-йўғи 50 илмий тарихи ўқитилса, 10-синфда бу кўрсаткич 73 илга тенг. Лекин 7-синф дарслигига эътибор қаратадиган бўлсак, IV асрдан XVI асргача бўлган давр киритилган. Ваҳоланки, бу даврда иккита «ренессанс даври» ҳукм сурган. Биз кўпроқ фахрланадиган, тарихий шахслар, нодир кўл-ёзмалар, илмий манбалар ўша даврга оид. Ўқувчида Ватанга бўлган ғурур ва ифтихор туйғусини шакллантириш, келажакда илмий тадқиқ этидиган мавзулар билан таништириш жараёни оқсаган. Келгусида мана шу жиҳатларга эътибор қаратиш керак.

Семинар давомида таълим ва тарбияни ҳамоҳанг олиб бориш, болаларга замонавий билимларни бериш баробарида уларнинг тарбиясига алоҳида эътибор қаратиш кераклиги қайд этилди. Бу борада 2020 йил 6 июлда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақамасининг «Умумий ўрта таълим муассасаларида «Тарбия» фанини босқичма-босқич амалиётга жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилингани айни мuddао бўлди. Қарорга мувофиқ, умумий ўрта таълим муассасаларида «Одобнома», «Ватан туйғуси», «Миллий истиқлол гоёси ва маънавият асослари» ҳамда «Дунё динлари тарихи» фанларини бирлаштирган ҳолда ягона «Тарбия» фани жорий этилди.

Зеро, миллатимизнинг улуг мутафаккири Имом Ғаззолий ҳазратлари «Болалар ота-оналарига берилган бир омонатдир. Боланинг қалби ҳар қандай нақшу тасвирдан ҳоли бир қимматбаҳо гавҳардир. У қандай нақш солинса, қабул қилади, қайқа бўлиб, эгиллади. Агар яхшиликка ўргатилса, шу билан ўсади ва дунёо охиратда саодатга эришади. Унинг саовобига ота-онаси ҳам, ҳар бир муаллим устозлари ҳам шерик бўладилар. Агар ёмонликка одатлантирилса, ҳайвонлардек ўз ҳолига ташлаб қўйилса, охир-оқибат ҳалок бўлади. Ғуноҳи эса унинг тарбияси учун жавобгар бўлганларнинг гарданига тушади», деб беҳизга ёзиб қолдирмаган. Чиндан ҳам фарзанд таълим-тарбиясида шошма-шошарлик, эътиборсизликка йўл қўйиб бўлмайди.

— Давлатимиз томонидан мактабга таълим муассасасдан тортиб қорчи қатламгача тарбия масаласига катта эътибор бериляпти, — дейди «Тарбия» дарслиги муаллифларидан бири Обиддин Маҳмудов. — Давлатимиз раҳбари айтганидек, Ватанимизнинг ёруғ истиқболи, биринчи навбатда, таълим тизими ва фарзандларимизга бераётган тарбиямиз билан чамбарчас боғлиқ. Зеро, тарбия энг муҳим ва ҳаётий масала санади. Юртимиздаги ҳар бир ёшнинг таълим-тарбияси биз учун муҳим масалага айланиб, уларни қиммат инсон сифатида вояга етказишимиз керак. Биз шу пайтгача бир ишни ўйладик, иккинчи ишни гапирдик, учинчи ишни қилдик. Қачонки, илмий одоб, ахлоқ билан бирга ўргансак, қиммат тарбия топсак, шундагина мақсадга эришган бўламиз. «Тарбия» фанининг бош мақсади ҳам шу.


Тренинг машғулотлари давомида малакали психологлар томонидан таълим жараёнини ташкил қилишда мулоқотдаги тўсиқлар, ўқитиш тизимида дуч келинадиган стрессларни енгиб ўтишга қаратилган психологик дарслар ўтказилди. Қизгин муҳокамадан давомида умумтаълим мактаблари ўқитувчилари томонидан фан дарслиқларидаги камчиликлар, ўқитиш тизимида дуч келинаётган муаммолар тилга олинди. Маъсул мутасаддилар томонидан мавжуд камчиликлар бартараф этишга келишиб олинди.

Тадбирдан сўнг умумтаълим мактабларининг «Тарих ҳамда давлат ва ҳуқуқ асослари», «Тарбия», «Шарқ тиллари» фанлари ўқитувчилари уч гуруҳга бўлиниб, ҳар бир гуруҳга маърузачилар томонидан «Тарихий шахслар фаолиятини ёритиш масалалари», «Давлат ва ҳуқуқ асослари: Ҳуқуқ соҳаларини ўқитиш методикаси», «Тарбия дарсларини ташкил этишда миллий қадриятлардан фойдаланиш», «Низолар ва уларни бошқариш», «Стрессини қилиш», «Таълим жараёнини ташкил қилишда мулоқотдаги тўсиқлар», «Синфини бошқариш. Натижага йўналтирилган бошқарув» каби мавзуларда семинарлар ўтказилди.

Ҳасан УСМОНОВ,  
Ўзбекистон халққаро ислом академияси  
ОАВ ва жамоатчилик билан ишлаш бўлими бошлиғи.

«САМАРҚАНД РАССОМЛАРИ»

# КИТОБ ТАҚДИМОТИ



Самарқандда ўзбек, рус ва инглиз тилларида чоп этилган «Самарқанд рассомлари» альбом-китоби тақдимоти бўлиб ўтди. Альбомни тузувчи ва сўзбоши муаллифи Аҳмад Умаров, муҳаррир Алишер Назар, бадий муҳаррир Баҳриддин Бозоров. Тошкент, 2020 йил, «San'at» журнали нашриети.

Афросиёб харобаларида қазима ишлари олиб борилганида топилган қадимий буюмлар, сўғд ёзувлари каби асори-атикалар ҳақиқатдан ҳам Самарқанднинг азалдан тасвирий ва амалий санъат марказларидан бири бўлганини тасдиқлайди. Машҳур мусаввир Камолитдин Бехзоднинг издошлари — Самарқанд миниатюра мактаби асосчилари Мухаммад Мурод ва Мухаммад Нодир Самарқандийлар ўз замонасининг етук мусаввирлари бўлиб етишган.

Кейинчалик Туркистоннинг хонликларга бўлиниб кетиши, тараққиётга тўсинлик қилган ўзаро ички низолар аҳолининг маданияти ва маърифатига ҳам салбий таъсир этди. Бундан фойдаланган чор Россияси бошқаруви заифлашиб қолган

худудни босиб олади. 1868 йилда рассом В.Вереш



Соҳибқирон тузуклари наинки Мовароуннаҳрдаги, балки бутун дунёдаги дастлабки конституциялардан бири эканлигини юрак билан, тафаккур билан англаб етдим.

ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ 28 ЙИЛЛИГИГА

# ОФТОБ ЧИҚҚАН КУН

Ўйлайман, хаёл сураман... Бир томони галлазор, бир томони чексиз уфққа туташиб кетган пахтазордан кўзларида нур чақнаган болакай кўлларида бир ҳовуч офтобни уйига элтмоқда.

– Ойижон, офтоб олиб келдим, – дейди у онасига. Ва болакайнинг ҳовучидан тўкилган офтоб барча уйлари, кўча-кўйларни зиёга тўлдиради.

*Бу уй — менинг юртимдир!  
Бу юрт — Ўзбекистондир.*  
Шууриmda аллақандай ўқиганим-ми, ёзганимми исён бўлиб уйғона бошлайди. Бўғзимга қўшиқ текилади:

*Энди нурлар таралгайди,  
Қўкка етгай дил хитобим.  
Қалб кўридан яралгайди  
Бош китобим — офтобим.*

Зулмат чекинади. Бошим узра чарх урган қора қўзгун айлана-айлана, сўнг узоқлашади. Қўзгуннинг ўлимтик кўзларида зулмат соғинчи. Қўл узатса етадиган кечаги кун ҳаловатини кўмсайди у.

*Энди зулмат чекинайдур,  
Қора кунлар ортдадир.  
Гуллаётган чаманзор юрт  
Нигоҳларни тортадир.*

XIX асрнинг 60-йилларида қурол билан бўйсундирилган Туркистон оқ пошшо томонидан қабул қилинган «Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисида низом» деб аталган махсус қонун остида яшашга мажбур бўлди. Ҳақсизлик, ҳуқуқсизликка қарши бошланган халқ ҳаракатлари бешафқат бостирилди.

1917 йил... Октябрь инқилоби Туркистоннинг мазлум халқи қулбаларига ҳам нур сочади, деб умид қилинди. Бироқ Туркистон Халқ комиссарлари совети таркибидagi 15 комиссар орасида бирорта ҳам маҳаллий миллат вакили йўқ эди. Шунга қарши ўлароқ Туркистон мусулмонларининг Қўқонда бўлиб ўтган IV фавқулодда курултойи Туркистон муважжат ҳукуматини (Қўқон мухторияти) тузди.

Бироқ қизил аскарлар ва арман буржуа миллатчиларининг «Дашнакцутюн» партияси томонидан Қўқон қонга ботирилди, мухториятнинг ўн беш нафар раҳбари отиб ташланди. Қолганлари эса қамоққа олиниб, Сибирга сургун қилинди.

1936 йил... Ўзбекистон конституцияси қабул қилинди — тоталитар тузум эҳсони сифатида. Орадан 50 йил ўтган бўлса-да, ушбу конституция мохияти жиҳатидан оқ пошшонинг «Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги низом»идан фарқ қилмас эди...

1990 йил 20 июнь кuni нихоят Ўзбекистон Мустақиллик декларацияси қабул қилинди.



цияси қабул қилинди.

1991 йил 31 август. Мустақиллик эълон қилинди. Халқимиз, ота-бобларимиз муштоқлик билан кутган хурлик келди.

1992 йил 8 декабрь. Ўзбекистон Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида унинг Конституцияси — дуненинг илғор конституцияшунослиги тажрибаси билан ўзбек халқининг бой тарихи, миллий ва маънавий қадриятларини ўзида уйғунлаштирган Асосий Қонуни қабул қилинди. Бу муборак ҳужжат умумий мазмунидан тортиб оддий бир бандига қадар миллий тафаккурни, муқаддас исломий қадриятларни, сабр-чидам, матонат билан озоқ куллар келишини кутган ўзбек халқининг азалий орзу-умидларини ўзида акс эттирган эди.

Ўзликни англаш онги, дунёқарashi сиртмоққа солиниб, боқимандаликка юз тутган киши учун бағоят азоблидир. Бироқ минг йиллик томиримизда жўш ураётган буюк аллома-

ларимизнинг қайноқ қони, уйғоқ руҳи тинч кўярмикан...

Уйғон энди, бас, етар қуллик, деди кимдир. У чақириқдай, бир хитобдай янгради. Китоб жавонлариди саф тортиган Абу Али ибн Сино, Фаробий, Навоий, Мирзо Улуғбек, Шарафиддин Али Яздий, Абдураззоқ Самарқандий, Бурҳониддин Марғилоний, Ғаззолий, Машраб қаби аждодларимиз қолдирган бой адабий мерос ҳарорати юрагимга тафт бераяпти.

XIII-XVI асрларда Мовароуннаҳрда конституциявий ҳужжат асосини шариат ташкил қилиб келган. Шу билан бирга соҳибқирон Амир Темурутзуқларига шарқона маданиятга монанд конституциявий ҳужжат сифатида қаралган. Шунинг учун ҳам Темурутзуқлари, Навоий «Хамса»-си, «Бобурнома», «Зафарнома» ва бошқа манбалар мазмунини ҳам конституция матнига сингдирилгани бежиз эмас.

Дуненинг кўпгина мамлакатла-

## 8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кuni

рида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилиш мақсадида қабул қилинган қонунлар ўзининг узоқ ўтмишига эга.

Утопиячи олим Томас Морнинг «Утопия» Ренессанс, яъни Уйғонish даврининг бош мезони шу: «Инсон ҳаётининг қадрини дунёдаги жамики неъматлар биргаликда ташкил этадиган қийматга тенглаштириб бўлмайди». Баски, инсон ҳаётининг қадри дунёдаги барча неъматлар қийматидан улугроқ экан, ана шу улугликини муҳофаза қилиш мақсадида дунё мамлакатларида XVIII-XIX асрларда бирин-кетин ўзига хос конституциялар пайдо бўла бошлаган (АҚШда 1787 йилда, Бельгияда 1831 йилда, Швейцарияда 1874 йилда). Шу маънода соҳибқирон тузуқлари наинки Мовароуннаҳрдаги, балки бутун дунёдаги дастлабки конституциялардан бири эканлигини юрак билан, тафаккур билан англаб етдим.

Соҳибқирон сатрлари юра-

гимда Ўзбекистон мадҳиясидай садо бермоқда: «Салтанат қуриш, давлат тутиш ишларини бир неча тузуқка боғладим ва салтанатни бошқариш ҳақида қўлланма (дастуриламал) ёзиб қолдирдим... Токи фарзандларим толеи баланд миллатнинг шарофатини, муҳаббат ва дўстлигим орқали қўлга киритган давлат ва салтанатни сақлагайлар».

Миллатнинг дардига дармон бўлмоқлик, миллатнинг улуг мартабасини, саодатини сақламоқ буюк соҳибқирон ҳаётининг бош мезони бўлган. Адолат ва озоқлик — буюк бобомизнинг асосий дастури. Соҳибқирон инсон қадрини улуглайдиган тузуқларини яратгунча ўша дамгача ўтган султонларнинг қонунларини, туриш-турмушларини ҳар томонлама ўрганган ва мушоҳада қилган. Шу аснода хуш ахлоқлари, маъқул сифатларидан намуна олган ва уни амалда қўллаган.

Мунажжимлар юлдузлар ҳаракатига қараб инсоният ҳаётида буюк ўзгаришлар даврини, улуг шахслар ҳаётини башорат қилганлар. Не бахтки, бундай толеъ, бундай неъмат бизга насиб қилган бўлса. Асосий Қонунимиздан ўрин олган барча боб ва моддалар соҳибқирон Амир Темурутзуқларидан давомидай янграйди: «Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга қўра, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади» (II боб, 13-модда). Давлат ва жамият эса ўз навбатида мазкур ҳуқуқларни барча қонуний воситалар билан қамроллаштиради.

Яна бир фикр: модомики, Ўзбекистон конституцияси БМТ ҳужжатларига, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принципларига асосланган экан, унинг замирида яна ўша отамерос умуминсоний қадриятлар акс этганлиги шубҳасиздир.

Ўйлайман, хаёл сураман: эълон қилинган кун зулматни ёриб, кўёш чиққан кун. Конституция қабул қилинган кун...

...Ўн ёшли болакай тупроқ йўлдан чопқиллаганича бир ҳовуч офтобни олиб уйига келаётди.

— Ойижон, офтоб олиб келдим, — дейди у энтикиб. Ва болакай ҳовучидан тўкилган офтоб Ўзбекистон мустақиллигини ёритиб юборади...

**Исматулло ЙЎЛДОШЕВ,**  
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.**

## «АНГРЕН» ЭИЗГА ПРЕСС-ТУР КЕНГ ИМКОНИЯТ-ЛАР ҲУДУДИ

Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган “АНГРЕН” эркин иқтисодий зонаси ўтган 8 йил ичида ички ва ташқи бозорлар учун замон талабига мос юқори технологик маҳсулотлар ишлаб чиқариш майдонига айланди. Бу ерда амалга оширилаётган лойиҳалар ва яқин истиқболга мўлжалланган режалар билан ОАВ ходимларини таништириш мақсадида инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги матбуот хизмати ва Экспорт ва инвестицияларни ривожлантириш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси томонидан пресс-тур ташкил этилди.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Экспорт ва инвестицияларни ривожлантириш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси Тошкент вилоятида инвестиция, саноат ва экспорт салоҳиятини ўрганиш ва иқтисодий ривожланишининг истиқболли йўналишларини аниқлаш бўйича олиб борилган ишларни мувофиқлаштириб келмоқда.

Комиссия аъзолари томонидан олиб борилган ишлар давомида 9319 та саноат корхонасининг бугунги ҳолати таҳлил қилинди. Айрим корхоналарнинг фаолиятига тўқинлик қиладиган муаммоларни бартараф этиш бўйича вилоятнинг туман ва шаҳарларидаги тармоқ идора ва бирлашмалари, тижорат банклари, шунингдек, маҳаллий ҳокимият органларининг тегишли раҳбарлари томонидан тезкор чоралар кўрилди.

Масалан, “Lima gold textile” МЧЖ ХК ҳамда “Dal heavy industries” МЧЖ ХКнинг қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС)ни қайтариш бўйича амалий чоралар кўрилди. Шунингдек, “Yin long metal industrial” МЧЖ ХК “Lux granit” МЧЖларга ишлаб чиқаришда зарур бўлган хомашёнинг ўз вақтида етиб келиши учун зарур бўлган барча амалий ёрдам кўрсатилди.

Соҳалараро кооперацияни чуқурлаштириш йўналишида Тошкент вилоятида илм-фан ва инновацияларни қамраб олган ҳамда қўшилган қиймат занжирини яратишга хизмат қилувчи 8,6 триллион сўмлик 41 саноат кластерларини ташкил қилиш бўйича тақдирлар ишлаб чиқилди. Мавжуд маҳаллийлаштириш дастурига киритиш учун қўшимча равишда ташқи импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришларни ташкил этиш бўйича 88 та янги лойиҳа ишлаб чиқилди.

— Ҳозирги кунда “Ангрен” ЭИЗ ҳудудида 783,9 млн. долларлик инвестициялар, шу жумладан, 294,4 млн. доллар микдорида тўғридан тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштириш ҳисобига 66 та корхона негизда 70 та лойиҳа ишга туширилган ва 8165 та иш ўринлари яратилган, — дейди “Ангрен эркин иқтисодий зонаси дирекцияси” ДУК раҳбари Муталибжон Ҳошиммуротов. — Яқинда умумий қиймати 727,16 млн. долларлик қўшимча 47 лойиҳани амалга ошириш тасдиқланди. Ушбу лойиҳалар доирасида 179,5 млн. доллар (шундан, 97,8 млн. доллар тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари) ўзлаштирилди. Лойиҳаларни амалга ошириш натижасида 11 816 янги иш ўрни яратилиши кўзда тутилган.

Истиқболли лойиҳалар ҳақида сўз юритганда ҳозирги кунда “Ангрен” ЭИЗ ҳудудида умумий қиймати 97,1 млн. долларлик (шундан, 67,4 млн. доллар тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари) 7 лойиҳани жойлаштириш масаласи кўриб чиқилмоқда. Лойиҳалар 2021-2022 йилларда амалга оширилиши мўлжалланган, улар тасдиқланган тақдирда, қўшимча 50,0 га ер майдонлари банд қилинади ва 820 та янги иш ўрни яратилади.

Ўз мухбиримиз

**ТУЗАТИШ**  
Газетанинг 2020 йил, 2 декабрь, 43-сон, 2-саҳифасида “Тошкент шаҳар халқ қабулхонаси: энг холис баҳо — халқ баҳоси” деб номланган мақоланинг 2-абзацда берилган “2020 йилнинг 28 декабрида” жумласи “2016 йилнинг 28 декабрида” деб ўқилсин.

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

## ХОРИЖИЙ КРЕДИТ ЛИНИЯЛАРИ ОРҚАЛИ

2019 йилда “Агробанк” АТБга 100 миллион АҚШ доллари микдорида маблағлар жалб қилинган

Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида “Агробанк” АТБ томонидан инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ҳамда хорижий кредит линияларни жалб этиш борасида амалга оширилаётган ишлар” мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда, ҳар бир ҳудудга инвестициялар киритиш ҳамда халқаро кредит линияларини жалб этишда фаол инвестицион сиёсат юритишнинг ўрни жуда муҳим. Мамлакатимиз молия-банк тизимиде ўз ўрнига эга бўлган “Агробанк” акциядорлик тижорат банки томонидан банк мижозларини, шунингдек, кичик бизнес субъектлари ҳамда фермер хўжаликларининг самарадорлиги юқори бўлган инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш, хорижий молия институтлари маблағларини жалб қилиш орқали ишлаб чиқаришни кенгайтиришга катта эътибор қаратиляпти.

Хусусан, 2020 йилнинг ўтган даври мобайнида банк томонидан республикаимиз худудларидаги тадбиркорлик субъектларининг истиқболли лойиҳаларини молиялаштириш учун жами 5,5 триллион сўм микдорида инвестиция кредитлари ажратилди. Ушбу кредит маблағларининг 25 фоизи саноатга, 22,1 фоизи қишлоқ хўжалигига, 24,8 фоизи ижтимоий таъминот ҳамда иқтисодиёт тармоқларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва бошқа соҳаларга ҳамда 28,1 фоизи қурилиш, транспорт-коммуникация ва бошқа тармоқларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилди.

Бугунги кунда инвестиция мақсадлари учун йўналтирилган кредит қўйилмасининг қолдиғи 11,6 триллион сўмни ташкил қилмоқда. Маълумки, Президентимиз томонидан

олиб борилаётган фаол инвестицион сиёсат ҳамда инвестициявий муҳитни яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар натижасида тадбиркорлик субъектларининг ташаббускорлиги ортиб, янги тақлиф қилинаётган лойиҳаларнинг амалга оширилишида тижорат банкларининг кредитларига бўлган талаб ҳам ортиб бормоқда.

Бу эса тижорат банкларининг ресурс базасини мустаҳкамлаш ҳамда доимий равишда халқаро молия институтлари ва хорижий банкларнинг кредит линия маблағларини жалб этиш заруриятини юзага келтирмоқда. Шундан келиб чиқиб, бугунги кунда “Агробанк” томонидан халқаро молия институтлари ва хорижий банклар билан ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш ва кредит линия маблағларини жалб этиш борасида кенг кўламли ишлар олиб боришмоқда.

Ҳозирги кунда “Агробанк” 26 тадан ортқ халқаро молия институтлари ва хорижий банклар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйган. Хусусан, Германиянинг “Коммерцбанк”и (Commerz Bank AG), “Юникредит банки” (UniCredit Bank AG), “ДЗ банки” (DZ Bank AG) ва “Ландесбанк”лари (LandesBank Berlin AG), Австриянинг “Райфайзен банк”и (Raiffeisen Bank International), Жанубий Кореянинг “КЭБ Хана банк”и (KEB Hana Bank) ҳамда Россиянинг 5 та (“Сбербанк”, “Азия-инвест банк”, “ВТБбанк”, “Промсвязьбанк” ва “Транскапиталбанк”) йирик банклари билан ўзаро алоқалар ўрнатилган. Хорижий кредит линияларини жалб қилиш бўйича “Агробанк”нинг кўрсаткичлари йилдан-йилга ошиб бормоқда. “Агробанк” томонидан 2018 йилда жами 30 миллион АҚШ доллари микдорида кредит линия маблағлари жалб қилинган бўлса, 2019 йилда ушбу кўр-



саткич 100 миллион АҚШ долларини ташкил этган.

Жорий йилнинг 11 ойи давомида 212,3 миллион АҚШ доллари микдорида маблағлар жалб қилинди ва ушбу маблағлар ҳисобидан 160 тадан ортқ инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилди. Жумладан, Швейцариянинг Кредит Суис банкидан 59,2 миллион АҚШ доллари, Хитой давлат тараққиёт банкидан 40 миллион АҚШ доллари, Россиянинг Промсвязьбанк ва Совкомбанкларидан 36,1 миллион АҚШ доллари, Туркиянинг Зираат банкидан 20 миллион АҚШ доллари, Германиянинг Ландесбанк Баден-Вуттембергдан 19,9 миллион АҚШ доллари, Ландесбанк Берлинер Шпаркасседан 10,1 миллион АҚШ доллари, Коммерцбанкдан

2,7 миллион АҚШ доллари микдорида маблағлар жалб қилинди. Шунингдек, банк томонидан Савдони молиялаштириш халқаро Ислон корпорациясидан 10 миллион АҚШ доллари микдорида савдони молиялаштириш кредит линиялари жалб қилиш бўйича шартнома имзоланди.


Хулоса ўрнида таъкидлаш ўринлики, бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари ва худудларни комплекс ривожлантириш ҳамда халқаро инвестицияларни кенг жалб этишга қаратилаётган эътибор, аввало, аҳоли учун қўлай шарт-шароитлар яратиш билан бир қаторда халқимизнинг турмуш фаровонлигини яхшилашдан иборатдир.

Ўз мухбиримиз.

## ҚУТЛОВЛАР

# 8 dekabr

O'zbekiston Respublikasining  
Konstitutsiyasi kuni




## «HUDUDGAZ XORAZM» GAZ TA'MINOTI FILIALI jamoasi

**барча юртдошларимизни  
мамлакатимиз Бош қомуси  
— Ўзбекистон Республикаси  
Конституцияси қабул  
қилинганлигининг  
28 йиллиги билан  
табриклайдигул  
Озод ва обод юртимизнинг  
меҳнатсевар халқига  
тинчлик-омонлик,  
бахт-саодат,  
хонадонларингизга  
қут-барака тилайдигул**



# 25

**YIL SIZ BILAN!**



## Asakabank

**MUVAFFAQIYATLI TANLOV!**

☎ 1152 | [www.asakabank.uz](http://www.asakabank.uz)

Xizmatlar litsenziyalangan.

## Реклама ва қўтовлар

## НУРОБОД ТУМАНИДА

кўп қаватли уй фойдаланишга топширилди



Конституциямиз қабул қилинганлигининг 28 йиллиги арафасида Самарқанд вилояти, Нуробод тумани "Наврўз" маҳалласида барпо этилган янги кўп қаватли уй фойдаланишга топширилди.

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда туман ҳокимлиги, маҳалла фаоллари, жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Мазкур уй 4 қават бўлиб, икки-уч хонали 24 хонадондан иборат. Шинам ва барча қулайликларга эга бўлган ушбу хонадонлар асосан, уй-жойга муҳтож оилалар, ногиронлиги бўлган шахслар, ёш оилалар ҳамда оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган аёллар учун ажратилди. Уларнинг ўн нафарига дастлабки бошланғич бадал тўловлари тўлаб берилди.

— Охириги беш йил давомида ижарама-ижара юришга мажбур бўлдим. Менинг ҳам ўз уйим бўлармикан, деган орзу армон билан яшардим. Бугун бахтлиман, ўз уйим бор. Ана шундай эзгу ишлар бошида турган инсонлардан миннатдорман, — дейди 2-гуруҳ ногирони Замира Тожиева.

Ушбу замонавий кўп қаватли уй "Жомбой кафолат қурилиш" МЧЖ томонидан қурилган бўлиб, бино қурилишига 3 миллиард 654 миллион сўм маблағ сарфланди.

Тадбирда туман ҳокими Ф.Зоиров иштирок этди ва хонадон эгаларига қалитларни тантанали тарзда топширди.

Шухрат ИСЛОМОВ

## РЕКЛАМА

## ЗАВОД «КРАНЫ И СПЕЦТЕХНИКА»

ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:



ГАРАНТИЯ 1 ГОД



- ▶ Автокраны — 16, 25, 32, 50 т.
- ▶ Краноманипуляторы — 3, 5, 10 т.
- ▶ Ямобуры.
- ▶ Автовышки — 11, 18, 22, 28, 31м.
- ▶ Самосвалы — 3т, 4,5т, 9т.

Товары сертифицированы.

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент. Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61. Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.  
E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtkran.uz, www.krantas.uz





## «ЎЗМЕТКОМБИНАТ»

акциядорлик жамияти жамоаси:

— Жонажон Ўзбекистонимиз,  
она халқимизга  
Бош Қомусимизнинг  
28 йиллиги муборак бўлсин!

Буюк келажак йўлида  
биз эришаётган муваффақиятлар  
қаддимиз ва қадримизни,  
азму-шижоатимизни янада  
юксалтираверсин!



## O'ZBEKISTON OVOZI

## MUASSIS:



O'ZBEKISTON  
XALQ DEMOKRATIK  
PARTIYASI  
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir Safar OSTONOV

## TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOYATOV

Qalandar ABDURAHMONOV

Hayotxon ORTIQBOYEVA

Ulug'bek VAFOYEV

Guliston ANNAQILICHEVA

Toshtemir XUDOYQULOV

Muslihiiddin MUHIDDINOV

Mahmud TOIR

Qabulxona — (71)233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — (71)233-12-56

Reklama va e'lonlar uchun — (71)233-47-80, (71)233-38-55

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

## MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida  
0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi  
bosmaxonasida chop etildi.  
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.  
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.  
Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning chorshanba kuni  
chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini  
ko'chirib bosish faqat tahririyat  
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1251. 1712 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'zA yakuni — 22:00

Topshirilgan vaqti — 23:30.

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:  
Bardambek SA'DULLAYEV  
Sahifalovchi-dasturchi:  
Bekzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633



Газетанинг электрон саҳифасига ўтиш учун  
QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

1 2 3 4 5 6